



3 октябрь куни Volga Investment Summit & World Halal Day доирасида бўлиб ўтадиган модалар намойишида машхур дизайнер Галия Салюкова коллекцияси намойиш этилади. Дизайнер ноодатий бичим, камтарона ранг бўёклар, матолар ва фактуралар бойлигидан фойдаланиб, ислом конунларига жавоб берадиган эксклюзив коллекциялар яратади.

Мусулмон аёлларнинг замонавий хаётдаги роли ўкилиши модалар намойишига хос хусусият бўлади, таъкидлайди ташкилотчилар.

"Одоб-ахлок доирасидаги мода замонавий мода бизнесининг энг жадал суръатлар билан ўсайтган сегментларидан бирига айланмокда, - хисоблайди Галия Салюкова, - барча дин ва мазхабларда ифрат, ахлокий софлик кизларнинг асосий безаги хисобланади. Лекин бу уларнинг шахсий ва касбий ўсишига халал бермаслиги керак. Мана шу сабабдан диний ва дунёвий хаётни тўгри уйгунлаштириш йўлини топиш муҳим ахамият касб этади".

World Halal Day — дунёнинг турли мамлакатларида каторасига олтинчи йил ўтказиб келинаётган ислом бизнеси соҳасидаги энг йирик ходисадир. 2019 йил у Самара шахрида Volga Investment Summit билан биргаликда бўлиб ўтади. Халол сертификатланган товарлар ва хизматлар етказиб берувчи ўнлаб компанияларни бирлаштирадиган кўргазмадан ташкари, катнашчиларни маҳаллий ва халкаро инвесторлар ва экспертлар иштирокида панелли баҳс-мунозаралар, давра столлари ва воркшоплар кутиб турибди.

Тадбирларда Россия маҳсулотини хорижга экспорт килиш учун самарали воситалар, Осиё ва Якин Шарқ минтакалари бозорларининг жалб этувчанлиги масалалари кўриб чиқилади. Экспорт ва савдо, инвестициялар ва тадбиркорлик, ислом молияси ва Халол саноати, тиббиёт ва туризм ишбилармонлик дастурининг асосий мавзуларига айланади. Тадбирлар ташкилотчилари сифатида Самара вилояти хукумати, United World Halal Development консалтинг компанияси ва Ислом бизнеси халкаро Ассоциацияси (IAIB) иштирок этади.